

# ACCIDENTS IN SURGERY. ALGORITHM OF ACTIONS. MEDICAL COLLECTION, LOG ENTRY, PERSONAL PROTECTIVE EQUIPMENT FOR MEDICAL PERSONNEL

Мухамдиева Камола Дилшод қизи

Тошкент тиббиёт академияси 2-курс талабаси

Юсупов Ҳамза Сафарович

Илмий раҳбар

## **Abstract**

Specialists working in the surgical field of medicine (surgeons, dentists, gynecologists, resuscitators...) directly communicate with patients with disorders of the skin and mucous membranes and the blood coming out of them; this patient's blood contains VG "B"., AIDS and other hematogenous infections transmitted through blood. A healthcare worker can become infected with these infections during a medical accident.

Relevance and purpose of the topic: Reducing emergencies and preventing occupational injuries among medical workers.

**Keywords:** Emergency medical care, algorithm of first aid actions in emergency conditions, First aid kit for emergency parenteral infection. Personal protective equipment for medical workers.

## **Introduction**

Бу тиббий авариялар масалан: операция вақтида қўлқоп бутунлиги бузилиши (йиртилиши, тешилиш...), қўлга игна саншиб, тери бутунлиги бузилиши, бемор қонининг хирург қўзига сачраши каби қўплаб қичик холатларга хирурглар эътибор қаратмаслиги мумкин, чунки бу вақтда хирургнинг бор фикри столда ётган bemor операциясига қаратилган бўлади. Хирург операциядаги қалтис жараённни уйлаб, ушбу холатни унудиши, ёки масалан қон кетаётган бўлса, тухтатиб кейин ўзига ёрдам олишини уйлаб, вақт йўқотиши мумкин. Тиббий авария юз берганда имкон даражасида хирург операция хонасидан чиқмасдан, тезда ва сифатли тиббий ёрдам олиши керак, масалан қўлқопи тешилган бўлса, тегишли стандартга кўра алмаштириши, игна қўл тери бутунлигини бузган бўлса, куйида келтирилган алгоритмга кўра қўл терси заарсизлантирилиши лозим.

Ўз вақтида кўрсатилмаган ёрдам, ёки эътиборсизлик оқибатида хирург қонига bemor қонидаги инфекция тушиб, касаллик секин -аста ривожланиши мумкин. Масалан ВГ "B" хирург қонига тушгач ўз вақтида, тўлиқ даволанишига карамасдан, барибир қондаги ВГ сақланиб қолади ва охир-оқибат бир неча йилдан сўнг bemorда жигар



церрозига олиб келиши мүмкін. Церроз бу касалликнинг асорати саналиб, ногиронликка олиб келади.

Хар бир касбда учрайдиган касб касаллиги каби, хирурглар орасида ҳам бу тиббий авариялар, хирургнинг келгусида меҳнат қобилиятини йўқотиш ва ногиронлигига сабаб бўлиши мүмкін. Операциялар вақтидаги бу кичик саналган тиббий авариялар ҳамма вақт ҳам тиббий авариялар журналига қайд этилмайди. Шу сабабдан операция вақидаги тиббий авариялар тўғрисида статистик маълумотлар кам. Бу маълумотларнинг камлигига асосий сабаблардан бири хирурглар ўз операцияси вақтидаги бу тиббий аварияни бошқа касбдошларига ошкор этишни исташмагани, шунингдек опреция вақтида санитария нормаларини бузганлик учун чора қўрилиш хавфи борлигидандир. Қанчалик аччиқ бўлмасин, бу тиббий авариялар шу оператор хирург обрусига кичик бўлсада путур етказиши, хирургнинг малакасизликда камситилиши олиб келиши мүмкін. Ҳар бир инсон ўз хатосидан сабоқ олгани каби, хирург ҳам ўз хатосидан сабоқ олади, лекин бу сабоқ олиши давомида, bemor қони касаллик манбанини ўзига юқтириб олмаслиги, яъни ўз вақтида тиббий аварияни бартараф этиши лозим.

Турли касбларда ишловчи ходимлар орасида ҳам авариялар урайди. Масалан қурилишда авария бўлса, раҳбарият томонидан холатни текшириш учун маҳсус комиссия тайинланиб, далолатнома тузилади. Шу далолатнома асосида ким айбор бўлса, чора қўрилади. Бартараф этиш режаси тузилади. Авария бартараф этилади. Аварияда жабрланган ходимга тиббий ёрдам қўрсатилиб, қурилиш бошқармаси томонидан товон (компензация) пули тўлаб берилади.

Операция вақтида хирург тиббий аврияга йўл қуиб, ўз вақтида бартараф этмаса, қон орқали юқувчи инфекцияни ўзига юқтириб олди. Ўз вақтида расмилаштирмаса, вақти келганда ТМЭК(ВТЭК) ногиронликни расмийлаштириш учун борганида, иш вақтида касаллик юқтиргани тўғрисида бирор хужжат бўлмайди.

**Заараланган bemor қон орқали билан мулоқатда тиббиёт ходимларининг касбий касалликлари қон билан боғлиқ хирург, акушер-гинеколог, стаматолог, лабарантлар, баъзан реаниматолог ва бошқа қон билан ишловчи тиббиёт ходимларига bemor қони орқали юқувчи касалликлар(вирусли гепатит В, ОИТС, захм, бруцелиоз, молярия.....) юқиш хавфи солиб туради.**



- - - қонида инфекция манбай бўлган bemorga ташқи ёки ички қон кетишида биринчи ёрдам қўрсатища, bemor қонининг тиббиёт ходимиининг шикастланган терисига ёки шиллиқ қавати(кўзи, бурни...)га тушиши шу касаллик юқади;



- қонида инфекция манбай бўлган беморни операция қилиш вақтида, бемор қони теккан ингани ёки скальпелни тибиёт ходими тери бутунлигини бузиб қуиши( қўлига ингани санчиб олиш, скальпель учи қўлдаги қулқопни тешиб ёки кесиб қўл терисини шикастлаши-тиббий авария); статистикада Санкт-Петербургда 100та тиббий авариядан тиббий процедурада 9 тасида тиббий ходим тиббий қулқопи тиббий асбобдан тешилиб, тери бутунлиги бузилган. 17 холатда тиббий қулқопи тешилган, тери бутунлиги бузилмаган.
- - қонида инфекция манбай бўлган беморни операция вақтида ёки биринчи ёрдам бериш вақтида қони қўзига ёки бошқа шиллиқ қаватларига сачраб кетиши сабабли; (14 холатда бемор биологик суюқлиги тиббий ходим териси ёки шиллиқ қаватига теккан).
- - қонида инфекция манбай бўлган беморни қон теккан боғламни алмаштириш вақтида тери бутунлиги бузилган ва тиббий қулқопсиз ишлаганда;
- қонида инфекция манбай бўлган бемордан турли қон таҳлили олишда СанПИн га риоя этилмаса ҳам юқиши мумкин;
- қон орқали юқувчи инфекция ташувчи беморни тиббий текшириш (ФГДС, ректоманоскоп, колонскоп....)ларни ишлатишда баъзан шиллиқ қават шикастланиб, зарарланади, агар кейинги ишлатишда сифатли зарарсизлантирилмаса ва тибиёт ходими қайта фойдаланишда шикастланган қўл териси орқали тегса инфекция юқиш хавфи юзага келади.
- - Ҳар бир тиббий муаолложалар( инъекциялар, ошқозонга назогастрал зонд қуиши, ичакни тозалаш- клизма, Сийдик қопига катетр қуиши, ва бошқа )да бир марталик тиббий қулқоплар тавсия этилади. Тиббий қулқоплар нафақат асептиканинг бир бўлаги сифатида тиббий ходим қўлидаги инфекцияни бемор терига тушишни олдини олади, зарарланган бемор қони(ВГ “B”, ОИТС....)ларни тиббий ходим қўлига бевосита тегишини олдини олади. Тиббий ходим қўли териси шикастланган ва қўлқопсиз ишлаганда бемор қон касаллигини ўзига юқтиради. Статистикада АҚШ тибиёт ходимлари ҳар йили турли инъекциялар вақтида 600-800 та гача микро травмалар олиши , яъни қўл териси бутунлиги бузилиши кузатилиши қайд этилган.
- - турли холатларда бемор қусиғи, ахлати, пешоби билан мулоқат вақтида тибиёт ходими санитария нормаларига риоя этмаса, шифохона ички тартиби бузилиб, санитария нормалари бузилади. Беморнинг ҳар қандай суюқликлари қони , ликвори, бугум суюқлиги, лимфа суюқлиги... каби тиббий ажратмалари қусиғи, ахлати, пешоби, балғами,... билан ҳам мулоқатда эҳтиёт бўлиши лозим. Тиббий халатдан ташқари, тиббий никоб, тиббий фартук, тиббий қулқоп тибиёт ходимининг шахсий химоя жамланмаси таркибига киради. Ҳозирги вақтда бу химоя жамланмасининг кўпчилиги бир марталик ҳисобланади. Ва иш тугагач, бир марталик тиббий қулқоп ва маскалар йўқ қилинади( мефел печи орқали) ёки ўтилизация( антисептик воситали сувга 30 минут букирилиб, оқар сувга ювилиб кейин, бутунлиги текширилади, кейин стерилланади-зарарсизлантирилади( буғли, қайнатиш, нурли усууллардан бири билан), ёки маҳсус тиббий чиқиндиларни қайта ишлаш учун топширилади.



Хирург ва қон билан мулокат қилувчи тиббиёт ходимлари фаолиятида ўзига хос факторларининг қалтис нўқталаридаги хатолар сабабли, тиббий авариялар ҳам бўлиш табиий. Бу авариялар сабаб ВГ “В”, ОИТС энг кўп юқиши мумкин.

**Тиббий ёрдам:** Фавқулодда ҳолатларда тиббий мутахассиснинг ҳаракатлари:

Тиббий қулқоп тешилиш ҳолатларида:

қўлқопларингизни дарҳол ечилиши лозим;

- кейинги этапда қўлни оқар сув остида совун билан ювилиши, (агар қон оқаётган бўлса, сув остида ярадан бир оз қон оқишига имкон берилиши ёки қонни ярадан озгина сиқиб чиқариш лозим);

- кейинги этапда қўлларни 70% спирт билан артиш лозим;

- кейинги этапда яранинг четларини 5% йод эритмаси билан артиш керак;

- агар керак бўлса, шикастланган жойларни лейкопластр билан боғлам қўйилади.

**Кулқоп кийган қўлни кесиб олган тақдирда:**

- қўлқопларни дарҳол ечиш лозим;

- кейинги этапда қўлни оқар сув остида совун билан ювилади (сув остида ярадан ёрқин қон оқишига имкон бериш лозим, босиш, силаш тавсия этилмайди);

- кейинги этапда қўлларни 70% спирт билан артилади;

- кейинги этапда яранинг четларини 5% йод эритмаси билан артилади;

- агар керак бўлса, шикастланган жойларни зарасизлантириб асептик боғлам қўйилади.

**Беморнинг қон ёки бошқа биологик суюқликлари тиббиёт ходими терисига теканда.**

Терини 70% спирт билан артилади. Оқар сувда совун билан ювилади ва қайта спирт билан заарсизлантирилади.

**Тиббиёт ходими кўзларнинг шиллиқ қаватида bemor биологик суюқлик тушса,:** уларни оқадиган (ичимлик) сув билан мўл-кўл ювилади, ишқамаслик, босмаслик керак. Кўзни ювишда bemor кўзни юқорисидан бошни орқага эгиб ўтириши ва эҳтиёткорлик билан кўзга сув қўйиш тавсия этилади. Сув ва эритмани кўз қовоқлари остидан оқиши учун улар эҳтиёткорлик билан тепадан қўйилади. Агар кўзда контакт линзалар бўлса, кўз ювишдан олдин контакт линзаларини олиб ташламанмайди, улар ҳимоя тўсигини яратади. Кўзни ювгандан сўнг, контакт линзаларни олиб ташлаш ва стандарт сифатида даволаш керак (даволанишдан кейин улардан фойдаланиш хавфсиз).

**- Оғиз бўшлиғига** bemor қони ёки биологик суюқлиги тушганда тезда туфлаб ташланади. Кейин кўп микдордаги сув ёки 70% ли этил спиртли эритма билан чайилади.

**- Бурун шиллиқ қаватида bemor қони ёки биологик суюқлиги тушганда:** сув билан яхшилаб ювига ташланади (ишқаланмайди).

**-Лабораторияда қон билан синовейчаси синган бўлса, нима қилиш керак?** Бу ҳолатда вакуум насоси жарроҳлик ва стоматологик оператсиялар пайтида, шунингдек, тиббий асбобларни қайта ишлашда ортиқча суюқлик, ҳаво ва буғни олиб ташлаш учун зарур бўлган ҳолларда қўлланилади. Ҳозирги вақтда ҳавони иситиш, инфрақизил нурланиш, микробларга қарши лампалар, буғ ва вакуум билан ишлайдиган қуритиш шкафлари мавжуд.



## **Биоматериал билан инфекцияланган деворлар, поллар, жиҳозлар юзасига тушса, заарсизлантириш алгоритми.**

- резина қўлқоп кийилади ва барча ишлар бажарилади;
- Биоматериал билан инфекцияланган деворлар, поллар, жиҳозлар юзасига 6% водород перикс, 3% хлорамин ёки бошқа тавсия этилган дезинфекциялаш воситалари билан 15 дақиқалик интервал билан икки марта артиб олинади.
- ишлатилган латта ёки салфеткаларни утилизация қилиш керак;
- резина қўлқоплар 70% спиртли эритма билан ишлов берилади;
- резина қўлқопларни ечиб бўлгач, қўлларни яхшилаб ювиш ва терига антисептик билан ишлов бериш, қулқопларни дезинфекциялаш воситасида 60 дақиқа давомида намлаш керак;
- **Халат (кийим)га бемор қони ёки биологик суюқлиги текканда:** иш кийимини ичига қайтариб ечиб олинади ва уларни дезинфекцияловчи эритмага 30 минут букириб қўйилади. Кийим остидаги терини 70% ли спирт эритмаси билан артиб, қўлни яхшилаб ювиб, тоза кийимга ўтилади;
- **Қон ва биологик суюқликлар оёқ кийимиға тесса,** - дезинфекцияли эритма билан намланган латта билан заарсизлантирилади, 15 дақиқадан сўнг 2-марта такрорланади.
- **полда катта қон ҳавзалари ҳосил бўлган бўлса,** бир марталик маҳсус поафзал қопламаларидан фойдаланиш керак;
- **Қон халат дан ички кийимга ўтиб кетмаслиги учун стерил халат остидан кленка фартук қувиш тавсия этилади.**
- Кўзга кузойнак тавсия этилади.
- **Клиник диагностика лабораториясида қон ёки бошқа биологик суюқликлар билан ишлашда қуйидагиларга йўл қўйилмайди:**
  - қон ва бошқа биологик суюқликларни найча орқали, оғиз билан сўриш мумкин эмас, лабараторияда маҳсус резина балончали сўриш ёки маҳсус сўргичларда сўриш тавсия этилади;
  - қон, зардобни найча четидан қувиш;
  - пробиркаларни маркалаш учун ёпишқоқ лента ёрликларидан фойдаланинг (пробиркалар ойнага маҳсус қалам билан белгиланиши керак).
  - шприцлар, игналар ва катетерлар қўлланилгандан сўнг дарҳол дезинфекция ва утилизация қилиш учун тешилиб кетмайдиган маҳсус идишга жойлаштирилади;

### **- Центрафугада ишлатиш вақтида авария юз берганда:**

Центрафуга ўчирилиб, 40 дақиқадан сўнг қопқоғи секин очилиши керак. Центрафугадаги барча стакан ва синган идишларни дезенфекцияли эритмали идишга 2 соат давомида қолдирилади. Центрафуга ички ва ташқи юзаси, ва қапқоғи ойнасини дезинфекцияловчи воситалар билан заарсизлантирилади.

### **Фавқулодда вазиятда имкон қадар тезроқ керак:**

- bemордан қуйидагилар сўралади: bemор қонида ОИВ инфекцияси бор-йўклиги, гиёхванд моддаларни истеъмол қилиш-килмагани, химояланмаган жинсий алоқада бўлганми ёки бўлмаганлиги ва бошқалар сўраш керак;

- беморни ва тиббиёт ходимидан ОИВ инфекцияси учун текшириш (экспресс тест + ИФА, ОИВ антителаси, ХБсАг, анти-ХСВ) қон таҳлили олинади;
- агар беморда ОИВ бўлса, дастлабки 2 соат ичида, лекин схема буйича фавқулодда вазиятдан кейин 72 соатдан кечиктиrmай, учта антиретровирус дори билан фавқулодда ОИВ инфекциясини назорат қилиш панелини тайинланади;
- агар беморга ВГВ, ВГС ташхиси қўйилган бўлса-ПСП препаратларини танлаш ва тайинлаш буйича шифокор маслаҳати (дори-дармонларни қабул қилиш бошланиши фавқулодда вазиятдан кейин 72 соатдан кечиктиrmай бошланиши лозим);
- бўлим, муассаса бошлиғини, навбатчи шифокорни хабардор қилинади;
- маслаҳат учун ОИТС маркази мутахассисларига мурожаат қилинади;
- вазиятни тиббий авриялар ёки тиббий фавқулодда журналига қайд этилади.

Фавқулодда вазият натижасида жароҳат олган тиббиёт ходимини 3, 6 ва 12 ойдан кейин ОИВ, вирусли гепатит Б ва С учун текширилиши керак.

- **Тиббий аварияларда тузиладиган далолатнома:** Беморларда терапевтик ва диагностик муолажалар ўтказишда тери ва шиллиқ қаватларнинг биоматериал билан зарарланиши ва ифлосланиши тўғрисидаги далолатнома 5 нусхада тузилади. "ОИВ инфектсиясининг олдини олиш" га киритилган ўзгартиришларга мувофиқ (жабрланувчи, иш берувчи, техник хусусиятлари, касбий патология маркази ва сугурталовчи учун). Воқеа содир бўлган пайтдаги лаборатория текшируви натижалари ҳисобот билан бирга сақланади.

#### **Тиббий авария (халокат)ларни қайд этиш журнали**

№	Шикастланланган тиббиёт ходими Ф.И.Ш.	Иш жойи ва лавозими	Ёш	Халокат санаси	Халокат юзага келиш шартонти	Касаллик юктиргани ФИШ. ОИТС.В Г.	Шикастланган кўрсатилган ёрдам ҳажми	Халоат тўғрисида кимга ва каерга , қачон хабар берилган.

Ҳар бир тиббий авариялар маҳсус дафтарга қайд этилади.

Шунингдек қон орқали юқувчи касалликлар билан касалланган хирург стаматолог....лар bemорларга юқтириб қўймаслиги учун қон билан боғлиқ тиббиёт ишлар билан ишласлиги сўралади.

Шу ўринда эслатиб ўтишимиз керак-ки, тиббий авариялар сабабли келиб чикадиган тиббиёт ходимидағи касаллик ҳам касаллиги сифатида баҳоланади.

**Аварияга учраган тиббиёт ходимиға** зудлик билан биринчи ёрдам кўрсатилиб, яшаш жойи кўп тармоқли марказий поликлиника юқумли касалликлар хонсига юборилади. Даволаш-профилактика ишлари олиб борилади.

- **Диспансер кузатуви:** Клиник кузатув инфекционист томонидан 1 йилга диспансер назоратга олинади ва ҳар 3,6,9,12 ойда қон таҳлили топшириб боради. Диспансер ҳисобидан чиқариш инфекционист врачнинг ихтиёрига кўра 3 та салбий текширув натижалари мавжуд бўлганда амалга оширилади.



### **Инфекцион хавфини оширадиган омиллар:**

- беморга ишлатилган асбоб билан тиббиёт ходими тери бутунлиги бузилиб асбобда қон тегиши;
- қон томирига дори юбориш манипуляциясида ишлатилган игна учи билан тиббиёт ходими тери бутунлиги бузилиши;
- беморни чукур (мушак ичига) инъекциясида ишлатилган игна билан тиббиёт ходими тери бутунлиги бузилиши;
- бемор қонида вирусли концентрациясининг юқори даражаси.

### **Фавқулодда вазиятларда парентернал инфекцияларнинг олдини олиш учун биринчи ёрдам тўпламининг таркиби (ОИВ/ОИТС га қарши):**

- 70% этил спирти- 100 мл қадоқда;
- қадоқда антисептик спиртли салфеткалар;
- йоднинг 5% спиртли эритмаси-1 флакон қадоқда;
- бактерицид ёпиштирувчи лейкопластыр-1 пакет;
- бармоқ учун резина бармоқчалар / бармоқ ёстиқчалари; (напальчники;)
- бир марта ишлатиладиган стерил шприцлар ёки пипеткалар.

Оқаётган (ичимлик) сув остида ювиш учун шароитларнинг мавжудлиги.

- тиббий стерил бинт (5 м x 10 см) – 2 дона.;
- бактерицид ёпишқоқ лейкопластыр (камида 1,9 см x 7,2 см) – 3 дона.;
- тиббий стерил салфетка (камида 16 см x 14 см, Н Но 10) – 1 пакет.
- иш жойида биринчи тиббий ёрдам тўпламлари ва этарли микдорда дезинфектсиялаш воситаларига эга бўлиши лозим.Биринчи ёрдам тўпламларини осонгина кўриш ва олиш осон жойда сақланиши лозим. Тўғри сақланишини назорат қилиш бўлим бошлиғи зиммасига юкланди.

**2001- 2017 йиллар орасида Россия давлатида 36 та тиббиё ходимлари фаолиятида тиббий авария қайд этилган, шундан 11 таси ОИТС билан заарланиш билан яқунланган.**

Шу 36 та тиббий авариядан 11 таси врачлар(30,6%) томонидан, 24 таси ўрта тиббиёт ходимлари(66,7%) томонидан, 1таси кичик тиббий ходим(2,8%) томонидан содир этилган.

Шу 36 та тиббий авариядан 86,1% инъекциялардан, 5,6% тери бутунлиги бузилишидан (кўл териси bemor қони билан ифлосланган тиббий асбоб билан кесилишидан), 8,3% тиббиёт ходими шиллиқ қаватига bemor қони ва биологик суюқликлари тегишини ташкил этган.

Шу 36 та тиббий авариядан 71,61% тиббиёт ходимининг эҳтиёткорсизлиги натижасида, 9,57% тиббий процедуранинг мураккаблиги натижасида, 10,56% bemor эс-хүшининг неадекват холати натижасида, 8,25% хавфсизлик режимига риоя этмаслик натижасида келиб чиқкан.

Заарланган bemor қонининг тиббиёт ходими ёки бошқа соғлом инсонга касаллик чакириш дозалари

1 мл Вирусли гепатит Д қонида 100 дан 150 гача инфекцияланган доза бўлиб, тахминан шунча соғлом инсонга шу касалликни юқтириш эҳтимоли бор.

1 мл ОИВ қонида 100 дан 1000-10 000 гача инфекцияланган доза бўлиб, тахминан шунча соғлом инсонга шу касалликни юқтириш эҳтимоли бор.

1 мл Вирусли гепатит С қонида 1000 дан 100 000 гача инфекцияланган доза бўлиб, тахминан шунча соғлом инсонга шу касалликни юқтириш эҳтимоли бор.

1 мл Вирусли гепатит В қонида 1,5 млн дан 150 млн гача инфекцияланган доза бўлиб, тахминан шунча соғлом инсонга шу касалликни юқтириш эҳтимоли бор.

**Гепатит Б ва С вируслари билан касбий заарланишни олдини олиш қоидалари.** қон билан ишловчи барча тиббиёт ходимларига ВГ “В” қарши профилактик эмлаш тавсия этилади.

Касаллик хавфини камайтириш мақсадида бирламчи эмлашдан кейин, яна 2 марта(жами 3 марта) 1 ойдан сўнг, 6 ойдан сўнг қайта эмлаш тавсия этилади. Профилактик эмлашларга қарши кўрсатмаларга эга бўлмаган барча тиббиёт ходимларига тавсия этилади..

Тиббий аварияларни олдини олиш учун даврий равишда машғулотлар ўтказилиши, раҳбарлар томонидан барча ходимларга беморлар билан ишланганда санитария қоидалари ва гигиеник талаблар асосида ишлаши кераклиги эслатилиб турилиши лозим.

### **Тиббиёт ходимларининг шахсий ҳимоя кийимлари**

Тиббий ходимлар иш пайтида қўйидаги шахсий ҳимоя чораларига қатъий риоя қилишлари керак:

- биологик суюқликларнинг сачраши хавфи мавжуд бўлса, никоблар, кўзойнаклар, экранлардан фойдаланиш лозим;
- ишлатилган кийим ва асбоблар билан ишлашда никоб ва қўлқоплардан фойдаланиш лозим;
- ўткир тиббий асбобларни эҳтиёткорлик билан ишлатиш лозим;
- игналарни қўл билан букмаслик, учи ўткирлигини бармоқ билан текширмаслик, ишлатилган игна устига қалпоқ қўймаслик лозим;
- бир марталик ишлатилган ўткир тифли тиббий асбобларни 30 минут дезинфектсияловчи эритмага букирилгач қаттиқ идишларга ташлаш лозим;
- ҳеч қандай ҳолатда полга тушган игналарни қўл билан олиш тавсия этилмайди, бунинг учун магнит ёки чўтка қисқичдан фойдаланиш керак;
- қўллардаги мавжуд микротравмаларни ёпишқоқ лента билан ёпиш ёки резина бармоқлар билан ҳимоялаш лозим ;
- шикастланган қўлқопларни дарҳол алмаштириш лозим;
- қўлларни ифлослантирмаслик учун қўлқопларни эҳтиёткорлик билан олиб ташлаш керак;
- қўлқопларни ечиб бўлгач, уларни тегишли тоифадаги тиббий чиқиндилар сифатида утилизация қилиш лозим, қўлларни совун билан ювиб ва индивидуал сочиқ билан куритилади;
- қўлларнинг ифлосланиши мумкинлиги сабабли, олиб ташланган резина қўлқопларни қайта ишлатмаслик лозим;





- қоғоз сочиқни қўллашда тери эпителийсига мумкин бўлган заарар этказувчи таъсири туфайли ишқаланиш ҳаракатларидан сақланиш лозим;
- қўлларни дезинфекция қилиш учун алкоголь эритмалардан фойдаланиш мумкин;
- ҳеч қачон иш жойида овқатланмаслик керак;
- оғиз ва буруннинг шиллиқ пардаларини ҳимоя қилиш учун юзга маҳкам ўрнашган никобдан фойдаланиш лозим.

Тишлиарни даволаш, жаррохлик аралашувлар ва бошқа манипуляциялар пайтида тиббий ходимларнинг кўзлари конъюнктивасини механик шикастланишдан ва беморнинг қон ва бошқа биологик суюқликларининг кириб келишидан ҳимоя қилувчи ҳимоя экранлар ва кўзойнаклардан фойдаланиш керак.

Бир неча беморда турли қон билан мулоқат қилинадиган муоложаларда режалаштиришда (операция, инъекция....) олдин қонида инфекция қайд этилмаган беморлар кейин, ВГ “В ёки С” ОИВ ...билан касалланган bemorлар навбати инобатга олиниши лозим.

**Қон ва бошқа биологик суюқликларни ташишда қўйидаги қоидаларга риоя қилиш керак:**

- қон ва бошқа биологик суюқликлар солинган идишлар тўғридан-тўғри намуна олиш жойида резина ёки пластмасса тиқинлар билан маҳкам ёпилиши керак;
- трубкаларга маълумотнома бланкаларини ёки бошқа ҳужжатларни жойлаштириш тақиқланади;
- қон ва бошқа биологик суюқликлар тасодифий сизиб кетган тақдирда дезинфекция қилишни таъминлаш учун идишларга, қутиларга ёки қалам қутиларга жойлаштирилган токчаларда, пастки қисмига тўрт қаватли қуруқ мато қўйилган ҳолда ташиш керак;
- халат ва фартук биологик суюқликлар билан ифлосланган бўлса, имкон қадар тезроқ кийимни алмаштириш керак;

Тиббий чиқиндиларни йигишда касбий жароҳатларнинг олдини олиш ва қон орқали юқадиган инфектсиялар билан касбий инфектсия хавфини камайтириш учун тақиқланади (СанПиН 2.1.7.2790-10 4.33-банди):

- Б ва С тоифали чиқиндиларни, шу жумладан вена ичига юбориладиган инфузион тизимларни заарасизлантириш мақсадида қўлда йўқ қилиш ва кесиш;
- игнани қўллаганингиздан сўнг шпритсдан қўлда чиқариб олинг, инъектсиядан кейин қопқоқни игна устига қўйинг;
- Б ва С тоифадаги қадоқланмаган чиқиндиларни бир идишдан иккинчи идишга қўйиш (қайта юклаш);
- Б ва С синфларининг ихчам чиқиндилари;
- қўлқопсиз ёки зарур шахсий ҳимоя воситалари ва кийимсиз чиқиндилар билан ҳар қандай оператсияларни бажариш;
- ўткир тиббий асбоблар ва бошқа ўткир нарсаларни йиғиш учун юмшоқ бир марталик қадоқдан фойдаланинг.

**Фойдаланилган адабиётлар**

1. Профессиональные заболевания медицинских работников Кляритская Ирина Львовна, Максимова Елена Владимировна, Жукова Наталья Валерьевна, Григоренко Елена Ивановна, Мошко Юрий Александрович / Крымский терапевтический журнал.
2. Э.И. Мусабоев, АД. Байжанов ОИВ инфекцияси ва унинг касб оркали юқиши профилактикаси. «Узбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти Тошкент — 2010
3. Атоева, М., Мирзаева, М., Облокулова, З., & Косимова, Д. (2014). Распространенность гемоконтактных инфекций среди медицинского персонала. Журнал проблемы биологии и медицины, (3 (79), 79–80.
4. Анализ условий и охраны труда работников сферы здравоохранения Жукова Светлана Александровна, Смирнов Игорь Валентинович / Социально-трудовые исследования
5. Эпидемиологическая характеристика аварий с экспозицией крови/А.В.Воропаев, М.О.Воропаева, И.В.Малов и др.///Эпидемиология и инфекционные болезни. 2006;(6):24-26. 31. Перрй Ж. ЭПИНет репорт: 2001 персутанеус инжурй ратес/Ж
6. Приказ Минздрава России от 09.01.2018 N 1н "Об утверждении требований к комплектации лекарственными препаратами и медицинскими изделиями укладки экстренной профилактики парентеральных инфекций для оказания первичной медико-санитарной помощи, скорой медицинской помощи, специализированной медицинской помощи и паллиативной медицинской помощи".
7. "Tibbiy avariyalarning kelib chiqishi, birinchi yordam harakat algoritmi.
8. Shoshilinch parenteral infeksiyaga qarshi dori qutisi". Yusupov Hamza Safarovich,Fozilova N. S. va Muxammadieva K. D.Proceedings of International Educators Conference Hosted online from Rome, Italy. Date: 25th January, 2024 ISSN: 2835-396X Website: econferenceseries.com 141-152.